



## ЮК ТАШИШ ЖАРАЁНИНИ РЕЖАЛАШТИРИШДА ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКА ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Кузиев Абдимурот Урокович**

Термиз давлат университети Транспорт тизимлари ва  
иншоотлари кафедре мудири техника фанлари номзоди, доцент

**Муратов Абобакр Холикбердиевич**

Термиз давлат университети, ўқитувчи

**Оқназаров Жаҳонгир Тожинор ўғли**

Термиз давлат университети, талаба  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7659611>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-fevral 2023 yil

Ma'qullandi: 16-fevral 2023 yil

Nashr qilindi: 21-fevral 2023 yil

### KEY WORDS

логистика, етказиб бериш  
занжири, транспорт, юк  
етказиб бериш, истеъмолчи,  
хомашё.

### ABSTRACT

Логистика соҳаси юк операциялари билан боғлиқ барча масалаларни уни ишлаб чиқариш (қазиб олиш)дан якуний истеъмолгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. ушбу мақолада истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш мақсадида юк етказиб бериш хизмати жараёнларини логистик бошқаришни йўлга қўйиш учун ташкилий-меъёрий масалалар таҳлил қилинган.

Замонавий дунёда ишлаб чиқаришнинг жадал ўсиши, корхоналарни кенгайтириш, омборларга талабнинг ошиши кузатилмоқда, бу эса, ўз навбатида, корхоналарнинг юк айланмасининг ўсишига таъсир кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси корхонани бошқаришда логистиканинг ролини оширади.

Ҳозирги бозор рақобати шароитида истеъмолчиларнинг ташишга бўлган эҳтиёжини энг самарали технологияларни қўллаган ҳолда қондириш транспорт корхоналари фаолияти рақобатдошлигини оширади, транспорт хизматини экспорт қилиш имкониятини яратади.

Сўнги йилларда транспорт жараёни билан боғлиқ кўплаб масалалар логистикага тегишли эканлиги намоён бўлмоқда. Логистика етказиб бериш занжири (моддий, ахборот ва молиявий оқим)ни бошқарувга ёндашув сифатида замонавий шароитларда кенг тарқалди ва кўплаб олимлар ва амалиётчиларнинг эътиборини эгаллади [1, 9].

Логистика соҳаси юк операциялари билан боғлиқ барча масалаларни уни ишлаб чиқариш (қазиб олиш) дан якуний истеъмолгача бўлган жараёнларни [2] ўз ичига олади.

Логистика – бу моддий оқимлар ҳаракатини бошқариш бўлиб, унинг асосий мақсади бозор иқтисодиёти шароитида турли корхона ва ташкилотлар, аҳолининг ташишга бўлган эҳтиёжларини ўз муддатида, белгиланган ҳажм ва ассортиментда, энг кам харажатлар билан етказиб беришдан иборатдир.

Логистика–моддий оқимлар ҳаракатланишини таъминлашга оид қуйидаги материал ва номоддий операцияларни режалаштириш ва назорат этиш ҳақидаги соҳа бўлиб, бунда қуйидаги вазифалар кўрилади:

• хом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш корхонасига етказиб бериш;

- материал ва хом ашёни корхона ичида қайта ишлаш;
- тайёр маҳсулотни истеъмолчи корхонасигача етказиб бериш;
- тегишли ахборотларни тўплаш, узатиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ниҳоят бу жараёнларни бошқариш.

Логистика операциялари-битта иш жойидан ёки ягона техник қурилма ёрдамида бажариладиган логистика жараёнининг мустақил қисми, моддий ва ёки ахборот оқимларини ўзгартиришга қаратилган алоҳида ҳаракатлар мажмуи [3].

Юкларни ташишни режалаштириш маҳсулотни тарқатиш тизимидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Умуман олганда, режалаштириш-келажакдаги ҳаракатлардан олдин қарор қабул қилиш жараёнидир.

Корхонанинг логистика тизими турли элементларни бирлаштирадиган энг мураккаб ва айни пайтда яхши ишлайдиган механизмлардан биридир. Ушбу механизмнинг узлуксиз ишлаши асосан унинг таркибий элементларининг ҳар бирининг аниқ ўлчанган ишлаши билан белгиланади, унинг калити ҳар бир корхонада логистика механизми ва тизимини ўрганиш зарурлигини белгилайдиган ишлатиладиган компонентларнинг фаоллигидир.

Логистика корхонани бошқаришдаги ролини ўрганишнинг долзарблиги ишлаб чиқариш ва товар секторининг ўзида глобализация жараёни билан боғлиқ [5, 6], бу эса ҳар қандай корхонада логистиканинг аҳамиятини оширади, чунки харажатларнинг салмоқли қисмини транспорт харажатлари ташкил этади. Демак, агар корхона ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш мақсадида мамлакат ташқарисидаги энг арзон ресурсларни қидираётган бўлса, бу ҳолда логистика харажатларининг улуши сезиларли даражада ошади.

Ушбу муаммонинг кенглиги ва кўп ўлчовли хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир алоҳида ҳолатда корхонада логистика тизимини қўллашнинг вазифалари ва мақсадларини ҳар томонлама ўрганиш керак, бу эса долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Логистика инсон ва моддий ресурслардан фойдаланиш учун кенг имкониятларни очиб берувчи муҳим иш бўлиб, у ўз навбатида бутун миллий ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатади.


Автотранспорт хизматлари бозори, омбор хўжалигини ташкил етиш, воситачилик ташкилотларида автотранспорт хизматларини шакллантириш билан боғлиқ. Бироқ, логистика соҳасидаги ишлар фақат шу тенденциялар билангина чекланмайди, у кўп қирралидир. Логистика ишлари, бундан ташқари, корхонанинг ходимларини қўллаб-қувватлашни бошқариш, савдо фаолияти, ахборот тизимларини ташкил этиш ва бошқаларни ўз ичига олади [6, 7].

Иқтисодий соҳада юқори ривожланган мамлакатлардаги йирик корхоналар амалиёти шуни кўрсатадики, логистика замонавий турли хил бизнес жараёнларида муҳим ўрин тутаяди, уларнинг ташқи ва ички бозорларда рақобатлаша олиш қобилияти асосан корхонанинг логистика тизими ва умуман корхонанинг логистика бошқарувини ривожлантириш билан белгиланади.

Логистика корхона таъминот занжири жараёнининг бир қисми бўлиб, унда унинг асосий босқичларини самарали режалаштириш, бажариш ва назорат қилиш, шунингдек, корхона томонидан ишлаб чиқарилган товар ва маҳсулотларни сақлаш ва ҳаракатини ўз ичига олади. Бундан ташқари, корхонанинг логистика тизими барча

мижозлар талабларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар ва ахборот оқимларини етказиб бериш жойидан охирги фойдаланувчига йўналтиришни ўз ичига олади.

Логистика занжири-етказиб берувчи, истеъмолчи, ташувчилар, воситачилар, суғурталовчилар ва бошқалардан иборат технологик боғланган тўпلام. Логистика занжиридаги асосий алоқалар 1-расмда келтирилган.



### 1-расм. Логистика занжиридаги асосий алоқаларнинг боғлиқлиги

Логистика тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқариш цикли тизимини ташкил этишга корхонанинг ишлаб чиқариш циклини оқилона ташкил этиши, материаллар ва хом ашё сотиб олиши, таъминотчиларни танлаб олиши ва ишлаб чиқариш жараёнларини мустақил ташкил этиши мумкин [5, 8, 9].

Корхона ёки ташкилотнинг бозорда муваффақиятли бизнес юритиш имкониятини таъминлаш учун логистика материал оқимлар бошқарувини қўйидаги мақсад-қоидага мувофиқ таъминлаш лозим бўлади:

1) истеъмолчиларга 2) талаб даражасида сифатга эга бўлган 3) турли маҳсулотларни 4) етарли миқдорда 5) керакли манзилга 6) лозим бўлган вақтда 7) минимал харажатлар билан етказиб беришни таъминлаши керак. Бу эса ишлаб чиқариш босқичида, маҳсулот инвентаризациядан ва кутиш вақтини бартараф этишга эришиш имконини беради, сезиларли харажатларини ва товарлар нархини камайтиради. Натижада маҳсулотнинг рақобатдошлиги ошади.

#### Адабиётлар:

1. Muratov A.Kh. (2022). Increasing The Efficiency of Cargo Delivery to Consumers. Eurasian Journal of Engineering and Technology, 12, 20-23. Retrieved from <https://www.geniusjournals.org/index.php/ejet/article/view/2688>
2. Muratov A.X. (2022). Statement and Mathematical Model of the Problem of General Service in the Transportation of Cargo by Motor Vehicle. European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 6, 288-291. Retrieved from <https://emjms.academicjournal.io/index.php/emjms/article/view/392>
3. Крылатков П. П., Кузнецова Е. Ю., Кожушко Г. Г., Минеева Т. А. Логистика промышленного предприятия: учебное пособие—Екатеринбург: Изд во Урал. ун та, 2016 — 176 с.
4. Бутаев, Ш. А., Сидикназаров, К. М., Муродов, А. С., & Кузиев, А. У. (2012). Логистика (Етказиб бериш занжирида оқимларни бошқариш). Тошкент, "Экстремум Пресс, 577.
5. Гелета И.В., Захарченко И.Э. Пути повышения конкурентоспособности

предприятия// Гуманитарные научные исследования. 2015 № 7-2 (47). С. 143-146

6. Muratov A.X. Statement and Mathematical Model of the Problem of General Service in the Transportation of Cargo by Motor Vehicle. European Multidisciplinary Journal of Modern Science. 6, (May 2022), pp.288–291.

<https://emjms.academicjournal.io/index.php/emjms/article/view/392>

7. A.L. Komilov. Methods for Optimizing and Modeling Routes for Selecting a Routing Scheme for Passenger Transport in Buses (On the example of Surkhandarya). International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Vol. 7, Issue 9, September 2020. <http://ijarset.com/upload/2020/september/11-eduline-30.PDF>

8. Kuziev, A. U., & Muratov, A. X. (2021). Improving the method of delivery of construction cargo in autotransport. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(8), 207-216.

9. Urokovich, K. A., & Dostmurodovich, S. O. (2022). Issuing the Plan for the Development of the Automobile Road Network. International Journal of Inclusive and Sustainable Education, 1 (5), 195-201.

10. Muratov A.Kh. (2022). Increasing The Efficiency of Cargo Delivery to Consumers. Eurasian Journal of Engineering and Technology, 12, 20-23. Retrieved from <https://www.geniusjournals.org/index.php/ejet/article/view/2688>

INNOVATIVE  
ACADEMY